



CENTRAL ASIAN JOURNAL OF LITERATURE, PHILOSOPHY AND CULTURE

Volume: 02 Issue: 06 | June 2021

Оиладаги Тотувликни Таъминлашда Маҳалланинг Ўрни Ва Роли Аннотация

Негматова Диловар Исоқжоновна
Самарқанд давлат университети ўқитувчиси

Received 22nd May 2021, Accepted 23th May 2021, Online 28th June 2021

Аннотация: Ушбу мақолада Оиладаги тотувликни таъминлашда маҳалла институтининг ўрни ва роли қиёсий ижтимоий таҳлил қилинган. Шунингдек оила ва маҳалла институтларининг асосий хусусиятлари очиб берилган, уларнинг фаолиятлари ҳақидаги масалалар ёритилган ва илмий хулосалар берилган.

Калит сўзлар:: оила, маҳалла институти, тинчлик, тотувлик, жипслик, жамият, кадрият, урф-одат, фуқаролик жамияти.

Фуқаролик жамиятининг муҳими бўғини маҳалла, маҳалланинг энг асосий элементи бу оиладир. Шу нуқтаи назардан оиланинг ижтимоий, иқтисодий ва албатта маънавий ҳолати, унинг ташкилланиш структураси фуқаролик жамияти ривожланишининг муҳим тенденцияси бўлиб хизмат қилади. Бугунги кунда мамлакатимизни барқарор ривожлантириш, халқимиз фаровонлигини ошириш, фуқароларнинг ўз ҳаётидан рози бўлиб, эртанги кунга ишонч билан муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш бўйича олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларни изчил амалга оширишда жамиятининг энг муҳим бўғини ҳисобланган оила ва маҳалла институтининг ўрни ва роли тобора ортиб бораётганлиги бежиз эмас.

Шу боис, жамиятнинг муҳим бўғини бўлмиш оиладаги тинчлик-тотувлик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва кадриятларни асраб-авайлашда маҳалланинг ўрни ва роли долзарб масала

ҳисобланади. Чунки мамлакат тараққиёти маҳаллалар ва оилалар ўртасидаги жипслигини таъминлашга боғлиқдир. Қайси оила ва маҳалла ўртасида тотувлик ҳукмрон бўлса, ўша масканда ижтимоий ҳаётининг барча соҳалари ривожланади. Оилаларда тотувликни таъминлашнинг бир қатор асослари мавжуд. Биз буни шартли равишда қуйидагича таснифлашга ҳаракат қиламиз.

- Маънавий асос – оила маънавий ҳаётида ўзаро муносабатларнинг меҳр оқибат, меҳрибонлик, ғамхўрлик, ўзаро ишонч каби ахлоқий тамойилларга таянганлиги;
- Иқтисодий асос- оиланинг моддий таъминотини изчил йўлга қўйилганлиги яшаш учун керакли бўлган ресурслар билан таъминланганлиги;
- Ҳуқуқий асос- оила аъзоларининг тенг ҳуқуқлилиги, адолат, сўз эркинлиги ва ихтиёр эркинлиги каби ахлоқий тамойилларнинг ҳуқуқ даражасида қабул қилинганлиги;
- Ижтимоий асос- оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари, ижтимоий мавқеи, уларнинг оиладаги ижтимоий вазифаларини тўғри ташкил этилганлигидир.

Оилада мазкур асослар қанчалик изчил йўлга қўйилса тотувлик ва барқарорлик шунчалик мустаҳкам бўлади. Ўз ўзидан маълумки ушбу асосларни яратилиши ва оила ҳаётида

таъминланишида маҳалланинг ўрни ва аҳамияти бекиёс. Хусусан, оиланинг маънавий- ижтимоий ҳаётида ижобий муҳит шаклланиши нуктаи назардан ҳам буни эътироф этиш лозим. Маълумки, маҳаллалар эса, таркибан оилалардан иборат. Мана шу оилаларнинг тинчлик-хотиржамлигини таъминлаш, ёшларни шу маҳалла ва оила шаъни учун курашувчи диёнатли инсонлар қилиб тарбиялаш каби муҳим вазифалар ҳам маҳалла орқали амалга ошади. Маҳаллаларда бугунги кунда оилаларга маънавий, моддий, ижтимоий томондан кўмаклашиб, ёрдамга муҳтож, боқувчисини йўқотган, ногиронлиги бўлган, ёлғиз аёллар ва эҳтиёжманд оилаларни темир дафтарга киритиб уларнинг ижтимоий аҳволини яхшилашда маҳалла амалий ёрдам бериб келмоқда.

Ёш авлод тарбияси, оила юритиш санъати, қўшничилик хислатлари мана шу маданият, одатлар ва анъаналар асосида олиб борилган. Ҳозирги пайтда маҳалла ўзини –ўзи бошқаруви органи, сифатида фуқароларни бир ғоя, маслак ва мақсад атрофида жипслаштиришга қодир бўлган ижтимоий институт сифатида фуқаролик жамиятининг муҳим подеворига айланди.

Дарҳақиқат, оиланинг ижтимоий-моддий ҳолати, ундаги шарт-шароитларни оила жойлашган маҳалла, қўни-қўшни жуда яхши билади. Демак оила ва маҳалла ҳар бир халқнинг, миллатнинг давомийлигини сақловчи, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ривожини таъминловчи, маънавий ва жисмоний баркамол авлодни тарбияловчи мукаддас маскандир.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳалла тизими ходимлари” куни муносабати билан сўзлаган нутқида қуйидаги фикрларни таъкидлайдилар.

Маҳалла- асрлар оша миллий урф-одат ва анъаналаримизни безавол сақлаб, халқимиз учун эзгулик тарбия бешиги, яхши қўшничилик ва ҳамжиҳатлик маскани бўлиб келмоқда.

Биз маҳалла деганда, дунёда камдан-кам учрайдиган, инсонни жамият билан билан уйғун бўлиб яшашга ўргатиб, бағрикенглик руҳида

тарбиялайдиган, халқ билан давлат ўртасидаги ишончли кўприк вазифасини бажарадиган ноёб тузилмани тушунмиз.¹

Бу фикрларни мантикий давоми сифатида Биринчи Президентимиз Ислом Каримов фикрларини келтириб ўтишни жоиз деб топдик. Азалдан ўзбек маҳаллалари чинакам миллий қадриятлар маскани бўлиб келади. Ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтож кимсалар ҳолидан хабар олиш, етим-есирларнинг бошини силаш, тўй томоша, ҳашар ва маъракаларни кўпчилик билан бамаслаҳат ўтказиш, яхши кунда, ҳам ёмон кунда ҳам бирга бўлиш каби халқимизга хос урф –одат ва анъаналар, авваламбор, маҳалла муҳитида шакилланган ва ривожланган. Халқимизга хос ўзини –ўзи бошқариш тизимининг бу ноёб усули қадим-қадимдан одамларнинг нафақат тилида, бутун ҳаётида чуқур жой эгаллагани бежиз эмас. Бир “Маҳалла-ҳам ота, ҳам она” деган ҳикматли нақлни ана шу ҳаётининг ҳақиқатининг ифодаси сифатида қабул қиламиз.², – деб таъкидлайди. Бу фикрлар бежизга айтилмаган. Фарзандларимизни маънавий баркамол қилиб вояга етишларида, ёшларни бир оила бўлиб мустаҳкам оёққа туришларида маҳалла тизмининг ўрни бекиёсдир.

Айни вақтда юртимизда маҳалла тизмини такомиллаштириш мақсадида “Маҳалла ва оила” илмий тадқиқот институти ташкил этилди ва институт олдида қуйидаги вазифалар белгилаб берилди:

- жамиятда “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойилига асосланган тизимни тўлақонли ва самарали жорий этиш;
- маҳалла ва оила институтларини мустаҳкамлаш, хотин-қизлар ва кексаларни қўллаб-қувватлаш;

¹ Қаранг: Президентимизнинг Маҳалла тизими ва ходимлари куни муносабати билан байрам табриги. 2020 йил.

² Қаранг: Ислом. Каримов. Юксак маънавият енгилмас куч

- маҳаллалар ва оилаларда соғлом ва барқарор ижтимоий-маънавий муҳит ҳамда тинчлик тотувлик ва осойишталикни таъминлаш;
- ўз фаолияти йўналишлари бўйича Республикадаги таълим-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликни амалга ошириш;
- оммавий ахборот воситалари, жумладан телевидения ва интернет-ресурсларида илмий тадқиқотлар натижаларини кенг ёритиш каби вазифалар амалга оширилмоқда. Мазкур вазифаларнинг ҳар бири оила институти ҳаётини, ундаги авлодлараро муносабатларни, маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш ва янгилашга хизмат қилади. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ва мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида оилавий муносабатларда анъанавийлик ва замонавийликнинг мутаносиблигини таъминлаш, оилавий низоларни бартараф этиш, фарзандлар тарбиясида кекса авлод ўғитларига амал қилиш бўйича тизимли фаолият олиб борилмоқда.³ Бу ишларнинг туб замирида оилалар ва маҳаллалар ўртасидаги тотувликни таъминлаш ғояси ётади.

Бугунги шиддатли глобаллашув даврида юртимизда оила ва маҳаллалар ўртасидаги аҳиллик ва тотувликни таъминлаш, мустаҳкамлаш масаласига чуқур илмий ёндашувни, талаб қилмоқда. Ҳеч бир давлатда такрорланмас маҳалла институти энди ҳукумат қаноти остида янги тузилмага айланмоқда.⁴

³ Қаранг: Рамиз Зоҳироз, Ўзбекистонда оилада авлодлараро муносабатларни мустаҳкамлаш: аънавийлик ва замонавийлик. Фуқаролик Жамияти. Умумназарий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий журнал. 2020 йил. 18-19 бетлар.

⁴ Қаранг: Янги Ўзбекистоннинг яна бир янги ислоҳот. 2020 йил. 28 февраль.// www.uza.z.

Шу боис, маҳалла институтига миллий давлатчилигимизнинг асосий қуйи бўғини сифатида қараб, унинг жамият ривожига қўшаётган ҳиссасини юртимизда истиқомат қиладиган ҳар бир фуқаро англаб етмоғи лозим. Жамиятда соғлом маънавий муҳит асоларини мустаҳкамлаш мақсадида ўтган йили маҳалла фаоллари ажралиш ёқасига келиб қолган 21 минг оиланини яраштирди ва 16 мингдан зиёд нотинч оилаларни сақлаб қолдилар. Бу ишларнинг юртимизда изчил амалга оширилиши туфайли намунали оилалар, намунали маҳаллалар сони кун сайин ошиб бормоқда.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак, маҳаллалар мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўлалми ислоҳотларда фаол қатнашмоқда. Маҳаллалар фуқаролик жамиятининг муҳим бўғини сифатида нуфузи тобора ошиб, аҳолининг энг яқин кўмакчисига айланиб бораётган бўлса-да, маҳалла ва оилалар билан боғлиқ тезликда ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар ҳам мавжудлигини инкор этиб бўлмайди. Бу эса, ушбу масалага алоқадор бўлган барча давлат ва жамоат ташкилотлари кучини бирлаштиришни тақозо этади. Янги Ўзбекистоннинг янги бир ислоҳоти амалга оширилди. Жумладан, мамлакатимиз ҳудудида маҳалла асрлар оша такомиллашиб, сайқаллашиб обод масканлардан бирига айланди. Ўзбекистон тарихини ўрганиш шуни кўрсатадики мамлакатимиз ҳудудида узоқ вақтдан буён яшаб келаётган оилалар ўртасида тотувликни таъминлашда маҳалла институтининг роли ошиб борганлигидан дарак беради.

Айрим ҳолда оилаларда маънавий тарбиянинг сустигидан, китоб саводхонлигининг пастигидан, ота-оналарнинг фарзандлари тарбиясига нисбатан лоқайд, бефарқлиги натижасида оилалар инқирозга юз тутмоқда. Сабаб ҳозирда ғарб мамлакатларида оилавий инқирозларининг содир бўлаётганлиги ва глобаллашув ҳодисалари ўзбек оилаларига салбий таъсиридир.

Салбий иллатларни олдини олиш мақсадида маҳаллада яраштирув комиссияси тузилди. Бугунги кунга келиб маҳалла фаоллари ва

яраштирув комиссияси биргаликда оилалардаги ажримлар сонини бир мунча қисқартиришга олиб келди. Ўзбек халкига хос фазилятлардан бири “Бир болага етти маҳалла ота-она” деган нақил кўплаб халқларга ўрнатилган бўлиб келмоқда. Юксак маънавиятга асосланган ўзбек оилалари аجدодларидан қолган маънавий меросни авайлаб келажак авлодга етказиб бериш тамойиллари асосида Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида миллий ҳамжихатликни қарор топтирмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: “Ўзбекистон”, 2018.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018.
3. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистоннинг яна бир янги ислоҳоти. Ҳақ сўзи. 2020 йил, 28 февраль.
4. Ўзбекистон Республикаси президентининг фармони. Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Маҳалла ва оилани қўллаб –қувватлаш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида. /расмий нашр/ Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги. -Тошкент: Адолат, 2017.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017. – №6. 70-модда; – №20. 354-модда – №23. 448-модда; – №37. 982-модда.